



«Куръонни замон тафсир килади», деган машхур ибора умматнинг донишманди Ибн Аббос (розияллоху анхумо)га тегишли эканлиги айтилади. Албатта, бу воқеликдан узок бўлмаган гапдир. Куръони Карим киёматга қадар ҳар бир замоннинг пешқадамларига ўзининг ҳақ калом эканлигини исботлаб боради. Аслида Куръони Карим Аллоҳ таоло томонидан инсонларга хидоят манбаи ўларок нозил қилинган. Бу калом мутлақ ҳақиқатдир. Бизнинг ҳаётимиздаги ўзгаришлар, илмий изланишлар ва кашфиётлар эса нисбий ҳисобланади. Шу жihatдан қадимги ва ҳозирги уламоларимиз мутлақ ҳақиқат бўлган Куръони Карим оятларини нисбий илм-фан билан исботлаш мактовга сазовор иш эмас, дейдилар. Чунки илм-фан кеча инкор қилган нарсасини бугун исбот қилиб, эртага эса бугунги исботни инкор қилиб тураверади.

Аммо Куръони Каримни тафсир қилувчи ҳар бир олим ўз даври ва маълумотлари асосида тафсир қилганлигини, яна асл ҳақиқатни Аллоҳ таолонинг Ўзи билишилигини эътироф этади.

Биз ҳам қуйидаги мақолада ўзимизга етиб келган маълумотлар асосида бир оятнинг далолатига ишора қилдик. Аммо бу билан мутлақ ҳақиқатни топдик, деб даъво қила олмаймиз. Мақолада келтирилган Ислом уламолари ва муфассирларнинг сўзи асосдир, кашф қилинган илмий гаплар эса қўшимча, аввалгисини тўлдириб келиши мумкин деган маънода келтирилади.

Зеро илм эгаси Аллоҳдир, У ўзи хоҳлаган бандасига уни ато қилади.

«Кавминг уни ёлгонга чиқарди. Холбуки у ҳақдир. Сен: «Мен сизларга вакил эмасман. Ҳар бир хабарнинг ўз вақти бор. Тезда буни биласизлар», деб айт» , дейилади Куръони Каримда. (Анъом сураси, 66-67-68- оятлар)

Қуйида олимлар 70 йил олдин кашф қилган кашфиёт ҳақида сўз боради. Бирок бу кашфиёт ўша вақтлар катта шов-шувга сабаб бўлмаган эди, чунки муаллифлар ўз кашфиётларини Куръони Карим билан алоқадор жойини кўра олишмаган эди.

Бу қандай кашфиёт экан ва унинг Куръон билан қандай алоқаси бор?

Инсон организмида каротид тугунчалар (каротидные клубочки) деб аталувчи нарса бор. Тарик донга ўхшаш бу майда таначалар маълум бўлишича, инсон организмнинг ўта муҳим қисми бўлиб, унинг функцияларини бажаришда катта аҳамиятга эгадир. Инсонда бундай тугунчалар иккитадир. Уларнинг ҳар қайсиси коннинг мияга ўтиш жойида, уйку артерияси (каротис) бўлинган жойда жойлашган. Ўттизинчи йилларнинг

Ўзидаёк белгиялик олим К. Гейманс уларнинг кондаги кислород таркиби ўзгаришига ўта сезгирлигини пайкаган.

Кирк йилдан ошқин вақт ичида И.П.Павловнинг шогирди Сергей Викторович Аничков фармакологик лабораторияда каротид тугунчалар устида тадқиқот олиб борган. Бу зарра таначалар нимаси билан уни кизиқтирди экан-а?

Аничков ўзининг дастлабки тадқиқотларида тугунчаларнинг гайри оддий «хаёт кечириши»га эътиборини қаратди. Уларга гипоксия (кислородга тўйинмаслик) келтириб чиқарадиган турли захарли (токсинли) моддалар билан таъсир қилиб кўришди. Одатда бундай ҳолда барча тўқималар кислород камлигидан қийналади, улар ўз вазифаларини бажаришда хунобликка дуч келишиб, ишдан чиқа бошлашади. Мазкур тугунчалар эса кислород йўқота бошлаганидан тирила бошлашган. Уларни сероводород билан «бўғиб» кўришди, улар эса янада гайрат билан ҳаракат қилишди, цианийли калий билан захарлаб кўришди, улар эса янада фаоллашиб кетишди. Уйқу артерияси (жон томири) бўлинган жойига ёпишиб олган бу кичкина таначалар гўё организмга бошқа дунёдан келгандек ўзларини тутар эдилар: улар бошқа барча орган ва тўқималарнинг антиподига ўхшаб ҳаракат қилишади. (Қаранг: Т.Қутузова, «Тайни каротидных клубочков», — «Наука и жизнь» журнали, 1975г., №5, стр. 97).

Т. Қутузованинг асари давомидан каротид тугунчалар аслида қонни таҳлил қилиб, уни ўқишини ҳамда унинг қимёвий таркибидаги озгина ўзгаришига ҳам ва ҳар қандай каттик ҳаяжон (стресс), одамнинг ички кечинмаларига ҳам бефарқ эмаслигини билиб оламиз. Қуръони Қаримда:

«Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз. Вақтики икки қутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида қутиб олурлар. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир у нозирлар бордур», дейилган. (Қоф сураси, 16-18)

Ушбу ояти қаримадаги икки қутиб олувчидан мурод, мусулмон инсон иймон келтириши керак бўлган, инсоннинг яхшилик ва ёмонликларини ёзиб турувчи икки фаришта эканлигини муфассирлар айтиб ўтишган. Аммо моддий ўларок Қуръони Қаримдаги ушбу оят маъноси билан каротид тугунчалар таърифи ўртасида қандайдир боғлиқлик борга ҳам ўхшайди. Бирок уларни батафсил қиёс қилишдан олдин – каротид тугунчалар таҳлил қиладиган инсон қони нима ўзи, деган саволга жавоб топишимиз керак бўлади. Эски Аҳдга мурожаат қиламиз. Худо Нух пайгамбар ва унинг ўғиллари билан аҳд тузаётганида уларга айтади:

«Ўтни ва сабзавотларни сизларга емиш қилиб берганим сингари, ҳамма тирик жонзотларни ҳам сизлар учун емиш қилиб бераман. Лекин этни қони билан емайсизлар. Қонда жон бўлгани учун, Мен буни тақийлайман». (Ибтидо 9: 3-5)

Мана бу ерда эса Худо Мусо (алайҳиссалом)га мурожаат қилади:

«Агар Исроил халқидан ёки уларнинг ораларида истикомат қиладиган мусофирлардан бирортаси қони чиқарилмаган гўшти еса, Эгамиз қон истеъмол қилган ўша одамга қарши чиқиб, уни халқ орасидан йўқ қилиб юборади. Зотан жонзотнинг жони унинг қонидир...» (Левилар, 17:10-11).

Шундай қилиб, яҳудий ва насронийларнинг муқаддас китоблари таъкид оҳангида ҳар нарсанинг жони унинг қонида деб айтади. Таврот ва Инжилнинг инсонлар томонидан ўзгартириб юборилганлиги маълум бўлса-да, улардаги айрим маълумотлар Қуръони Қаримдаги оятлар билан уйғун келади. Шунинг учун мусулмонлар Таврот ва Инжилни мутлак инкор ва мутлак тасдиқ қилмайдилар. Чунки булар ҳам Аллоҳнинг қаломи бўлиб,

уларда ўзгармай колган оятлар ҳам бордир. Лекин айнан қайси оятлар ўзгариб ёки ўзгармаганлигини ҳеч ким билмайди.

Куръони Карим ҳам кон ейишликни ман қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Сизларга ризк қилиб берганимиз пок нарсалардан энглар ва Аллохга шукр қилинглари, агар Унга ибодат қиладиган бўлсаларингиз. Албатта, У Зот сизларга факат ўлимтиқни, конни, чўчканинг гўштини ва Аллохдан бошқага сўйилганни харом қилди». (Бақара сураси, 172-173 оятлар)

Кон билан ўтказилган кўплаб тажрибалардан тирик организмлар қони ҳақиқатдан ҳам уларнинг рефлекслари, ҳис-туйғу, сезгилари, тажрибалари ва ҳоказолари сақланадиган жой, яъни «жон» (нафс десак, тўғри бўлади- таржимон) деб аталадиган нарсанинг макони эканлиги маълум бўлади.

Куръони Каримда чуқур маънога эга бўлмаган ҳеч бир сўз йўқдир. Чунки бу Аллох таолонинг қаломидир! Шунинг учун **«Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз»** деган ибора адабий (метафора) истиора эмас, балки бу «

нафси нимани васваса қилишини

» билиб турувчи, яъни «

икки қутиб олувчи

»нинг моддий маънодаги инсон организмда жойлашган жойига аниқ ишорадир.

Эсимизда бўлса олимлар айнан уйқу артерияси (каротис) ёки жон томиридан инсон қонини таҳлил қиладиган жуда қичкина иккита тугунчани топишган. Ажойиб ўхшашликка қаранг-а!?

Юқорида таъкидлаганимиздек, Куръон оятларининг маъноларидаги мутлак ҳақиқатни топишга муваффақ бўлдик, деб айта олмаимиз. Зеро, бундай дейишлик мақомида ҳам эмасмиз. Аллох таолонинг:

«Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Токи уларга Унинг ҳақлиги равшан бўлсин», деган ояти бизни юқоридаги тушунчага қелишимизга сабаб бўлди. (Фуссилат сураси, 53-оят)

Балки каротид тугунчалари бизнинг **«ўзимизда»**, яъни инсон организмда кўрсатилган Аллох таолонинг оят-белгиларидан бири эмасмикан?!.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари Коф сурасининг 16-18 оятларига қуйидагича тафсир ёзганлар:

«Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз».

Бирор асбоб ва ёки буюмнинг устаси ундаги энг майда иқир-чиқирларигача яхши билади. Унинг хусусиятларини, афзалликларини, шунингдек, камчиликларини нуксонларини ҳам яхши билади. Холбуки, у яратувчи эмас. У бор-йўғи мавжуд нарсаларни бир-бирига қўшиб, улаб, кесиб, ўйиб ясайди. Яратувчи эса йўқдан бор қилади.

Ушбу оятда Аллох таоло:

«Албатта, инсонни Биз яратганмиз», деб таъкидламоқда.

Демак, яратувчи яратган нарсанинг ҳамма тарафини муқамал билади. Шу билишни Аллох таоло инсоннинг энг нозик жойларидан бирини тилга олиш билан билдирмоқда:

«Ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам биламиз».

Нафснинг васвасаси инсоннинг ҳаёлида кечади, унинг жараёнини ташқаридан ҳеч ким билмайди. Аллох таоло ўшандай махфий нарсани ҳам билиб туришини зикр қилар экан,

инсоний ўлчовда ундан бошқасини билиш Унга ҳеч гап эмаслиги тушунилади. Инсон ҳар доим, ҳар лаҳза Аллохнинг чанғалида, Унинг сергак кузатиши остида туришини билидириш учун Аллох оятнинг охирида:

«**Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз**», дейди.

«**Жон томири**» деганда кон томирини тушунамиз. Инсон шуни тўла ҳис қилиб олса, ҳар бир ҳаракати, гапи, сўзи Яратганни рози қилиш учун бўлиши лозимлиги ҳақида ўйлаб қолади. Ҳеч бир гуноҳга, ҳаром ишга яқинлашмай кўяди. Доимо хушёр сергак яшайди. Лекин инсонни кузатиш, унинг ишларини ҳисоб-китоб қилиш бу билан тугамайди. Балки яна бошқа кўшимча кузатиш ҳам бор. Инсон доимо, қаерда бўлмасин, вакил қилинган икки фариштанing назоратида бўлади. Улар инсондан содир бўлаётган гап-сўз ва амалларни зудлик билан ёзиб борадилар.

«**Вактики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган холларида кутиб олурилар. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар**».

Демак, инсоннинг икки тарафида икки фаришта жойлашган ва улар инсоннинг ҳар бир амали ва сўзларини кутиб олади. Оятда уларни «икки кутиб олувчи», дейилмоқда.

«**Вактики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган холларида кутиб олурилар**».

Мазкур фаришталар содир бўлган барча ҳодисаларни ёзиб боришга вакил қилинганлар.

«**Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар**».

Инсоннинг оғзидан чиққан битта лафз ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди. Улар ҳамиша ҳозир нозирдилар, дарров ёзиб кўядилар.

Таъқидлаш лозимки, Аллох таоло бандасининг амалларини ҳисоб-китоб қилишда бу икки фариштанing ишига муҳтож эмасдир. Ўзи ҳамма нарсени қомил илми ила қилиб туради, ҳаттоки аввалги оятларда айтилганидек, одамнинг ҳаёлидан ўтган нарсаларни ҳам қилади. Мазкур фаришталарнинг ёзиб боришининг бошқа ҳикмати бор: қиёмат куни инсонга ҳужжат сифатида кўрсатиладиган намои аъмол ушбу фаришталар ёзган ёзувлар бўлади. Бунга иймон қелтириш эса ҳар бир банданинг кўпроқ яхшилик қилишига, ёмонликдан янада кўпроқ четланишига боис бўлади.

Ушбу мавзуда кўплаб ривоятлар қелган, шулардан баъзилари билан танишиб чиксак, тушунчаларимиз муқамалроқ бўлади.

Алий ибн Абу Талха Абдуллох ибн Аббос (розиаллоху анхумо)дан ривоят қилади. У:

«Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар» ояти ҳақида:

«Инсоннинг ҳар бир яхши-ёмон гапи, ҳаттоки едим, ичдим, бордим, қелдим, кўрдим қабилари ҳам ёзиб қорилади. Пайшанба куни унинг иши ва гапи арз қилинади. Яхшилик ва ёмонликлари қолдирилиб, қолгани ташлаб юборилади», дейди.

Имом Хасан Басрий «...ўнгда ва чапда ўтирган холда» оятини ўқиб туриб:

«Эй одам боласи, сенинг саҳифанг очилди, икки ҳурматли фаришта сенга вакил қилинди, биттаси – ўнг тарафингдагиси яхшиликларингни ёзади, иккинчиси – чап тарафингдагиси ёмонликларингни ёзади. Озми-кўпми нимани хоҳласанг, қилавер.

Вафот этганинда, саҳифанг беркитилади, қабрингда бўйнингга осиб қўйилади. Қиёмат куни шундай холда қабрингдан чиқасан...» деган экан.

Имом Аҳмад ибн Ханбал ўлим тўшагида инграб ётганларида, Товус (розиаллоху анху)дан:

«Фаришта ҳар бир нарсени, ҳатто инграшни ҳам ёзади», деган ривоятни эшитибдилар-у, дарҳол инграшни тарқ этиб, шу билан то жон таслим қилгунича инграмаган эканлар.

Хулоса

Кўриб ўтганимиздек, Куръони Каримнинг оятлари инсоният учун хидоят кўрсатмасидир. Дунёнинг етакчи олимларидан бири инсоннинг асаб тизимига оғрикнинг ахборотини етказиб берувчи аъзолари унинг терилари орасига жойлашганини, қачон терилар куйиб битса ёки тамоман шилиб олинса, ундан кейин инсон оғрикни сезмай қолишини кашф этганини эълон қилган эди. Унга: «Сиз кашф қилган ҳақиқат Куръони Каримда бундан 14 аср олдин очик-ойдин айтилган, дейилганда, олим ажабланган ва ояти қаримани ўз тилида ўқиб тушунгач, мусулмон бўлган эди. Ушбу оят Нисо сурасида келган:

«Оятларимизга қуфр келтирганларни, албатта, дўзахга киритамиз. Қачонки, терилари етиб пишганда, азобни тортишлари учун бошқа тери алмаштирамиз. Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳақим Зотдир ». (Нисо-56).

Бу ояти қаримадан олинадиган хулоса нима бўлиши керак? Куръони Каримда тиббий ҳақиқатлар баён қилинган экан, деб ажабланиш керакми? Дунёнинг етакчи олимларини Куръони Карим лол қилиб қўйди, дея фахрланиш керакми? Албатта, ушбу ояти қаримадан олинадиган асосий ва бирламчи хулоса оятларига қуфр келтирмаслик, дўзахга олиб борувчи йўллардан сақланиш лозимлигидир. Хуллас қалом, Куръони Каримга иймон келтириб яшаш, буюрганини қилиб, қайтарганидан сақланиш керак. Бу эса асосий ва бирламчи мақсаддир. Замон эса нақадар юксак тараккиётга эришмасин, доим Куръони Каримга эҳтиёжи борлигини ҳис қилиб тураверади.

«Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига боғлаб қўйганмиз ва қиёмат куни унга китоб чиқарамизки, у унга очилган ҳолда рўбарў бўлур. Китобингни ўқи, бугунги кунда сен ўзингга ўзинг ҳисобчиликка қифоя қилурсан (дейилур)». (Исро сураси 13-14)

Абу Муслим тайёрлади